
Риштон туман ҳокимлиги Ахборот хизматининг билдириши

Ижтимоий тармоқларда асли риштонлик бўлган айни дамда Москва шаҳрида истиқомат қилаётган Половон Бадалов турмуш ўртоғи ва болаларининг карантин зонасида узоқ муддат қолиб кетаётгани ҳақида видео мурожаат билан чиққан эди.

Мурожаатдан сўнг, тегишли мутасаддилар Ўрта Чирчиқ туманидаги карантин зонага бориб вазиятни ўргандилар ва шундан сўнг Половон Бадалов турмуш ўртоғи ва болаларига ўз уйларига кетиш рўхсат берилди.

Айни дамда Бадаловлар оиласи Риштон тумани Хўжа Илғол маҳалласидаги уйларда бўлиб туришибди. Она ва болаларнинг аҳволи яхши. Улар доим шифокорлар назоратида.

2020-06-30 13:36:18